



Бир илмий анжуманда академик И.Султононов "1435 йилда хаёт бўлган ўзбек шоири Хофиз Хоразмий хакида Алишер Навоий нега эсламаган?"-деган ўринли саволни ўртага ташладилар. Кизгин бахс-мунозара бошланди. Хар хил карашлар, фикр-мулохазалар билдирилди. Бизнинг калам олишимизга ҳам ана шу бахс сабаб бўлди. Юкоридаги савол Хофиз Хоразмий ижоди хакида бир неча йиллик тадқиқотимиз давомида бизга тинчлик бермай келганди. Дархакикат, Алишер Навоийдек талабчан санъаткор айрим шоирларнинг биргина чиройли байти учун ҳам "Мажолис ун-нафоис"да хурмат билан тилга олади. Шу билан бирга айрим машхур шоирлардан, жумладан, Рудакий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Яссавийларни умуман эсламайди. Хўш, нима учун? Ёки уларнинг ижодидан беҳабар бўлганми ёки бошқа бир сабаб борми? Навоийнинг шоирлар махоратига муносабати қайси ўлчов асосида эди, қайси даражани маълум босқич деб билган - булар хали жумбок. Зеро, буюк даҳолар муаммолар қолдириб кетишган. Навоийга боғлиқ бундай муаммолар ҳам талайгина.

Энди Хофиз Хоразмийга келсак, хакикатдан ҳам, шоир 1435 йилда хаёт бўлган ва Шохрухнинг ўгли Иброхим Султон вафотига атаб марсия ёзган. Хофиз Хоразмийнинг тугилган йили аниқ бўлмаганидек, вафот этган йили ҳам маълум эмас. Бунинг устига шоирнинг девони унинг ватанидан эмас, 1975 йилда Хиндистондан топилган.

Бу масалага бир суҳбатимизда тарих фанлари доктори Мирсодик Исмоков ҳам кизиқиб қолдилар ва, эҳтимол, Навоий Хофиз ижодидан бевосита хабардор бўлмаса ҳам билвосита ганиш бўлгандир, масалан, куй-қўшиқ, ашула орқали деган фикрни айтдилар. Биз ўзимизни ўйлантирган муаммога сечим тоиғандек бўлдик. Зеро, Хофиз девонини ўқир эканмиз, ўнлаб ўринларда Навоийга хамоханг байтларни учратамиз.

Бу ўринда бир нуқтага эйиборнингизни қаратмоқчимиз. Навоийнинг шогирди, мухлиси Хондамир ўзининг букж шоирга бағишлаб ёзган "Мақорим ул-ахлоқ" (Яхши хулқлар) номли асарига бир кизик фактни келтирган. Бу қўнчликка маълум бўлган ўсмир Навоийга Мавлоно Лутфийнинг берган юсак баҳоси хақидаги хикоятдир. Хикоятда айтилишича, ёш бошловчи шоирнинг;

Оразин ёпкоч кўзимдин сочилур хар лахза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз нихон бўлгич қуёш...

деб бошланувчи ггазалига мумкин бўлса эди, Мавлоно Лутфий туркий ва форсийда битган ўн-ўн икки минг байт шеърини алмаштирмакчи бўлади. Адбиётшунос Хақим

Хомидий:” Навоий бу байтни Камол Хўжандийдан завкланиб ижод этган”,-деб ёзади Камол Хўжандий девонига ёзган “Сўз боши”сида.

Хофиз Хоразмий девонида ҳам айнан шу фикр ифодаланган байт мавжуд экан:

Бас ажабдур кўзларим ёши юзунг кўрган аро,
Чун бўлур истора нинхон, бўлса пайдо офтоб
(Девон. 71-газал)

Энди Камол Хўжандий байтини таҳлил килиш керак бўлади:

То рух напўши кай шавад аз дида ашки маро равон,
Пинхон нагашта офтоб ахтар намеояд бурун.

яъни

Юзингни ёпмагунча кўзларимдан окмагай ёшим
Куёш ботмай туриб оламга юлдузла аён чикмас.
(Камол Хўжандий. Девон. 284 285 бетлар. Васфий таржимаси.)

Бундан кўриниб турибдики, уч шоир ҳам деярли бир фикрни шеърга солган, аммо ифодалашда, таъсирчанликда фарк сезилади. Дастлаб, бу гоё Камол Хўжандийга тааллуқли бўлганлиги табиий. Кўплаб туркий шоирлар сингари Хофиз Хоразмий ҳам Камол Хўжандийдан илхомланган, завкланган. Кўп ўринларда “шайхи Хўжанд”, “нори Хўжанд” (“Хўжандий ишк ўти”- С.М.) деб улуглайди. Туркий шеърятда Камол йўлини танладим ва машхур бўлдим деб ёзади. Шоир юкоридаги байтларни ҳам, шубхасиз, Камол Хўжандийдан таъсирланиб яратган. Шунингдек, Хофиз Хоразмий Камол Хўжандийга замондош бўлган (эслатма: Камол Хўжандий 1397 йилда вафот этган).

Алишер Навоийга Камол Хўжандийнинг байти маълум бўлганлиги аниқ, аммо шоир, бизнингча. Хофиз Хоразмий байтидан ҳам кушиқ орқалими ёки бошка сабаблими хабардор бўлган.

Камол Хужандийнинг анъаналарини Хофиз Хоразмий ривожлантирди. Навоий эса энг юкори чўккига кўтарди. Навоий олдинги шоирлар газаллари орасида ифодаланган фикрни биринчи байт - матлаъга кўчирган. Энди Хофиз Хоразмий байтидан ҳам хабардор, деган фикримизга келсак, Камол Хўжандийдан келтирилган парчаларга нисбатан Навоий байти Хофиз Хоразмий байтига хамоханг, ўхшаш ва яқинлиги сезилиб туради. Айниқса, иккинчи мисрага эътибор берилса, бу фикр ойдинлашади.

Хофиз Хоразмий:

Чун бўлур истора пинхон бўлса пайдо офтоб.

Навоий:

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз нихон бўлгоч куёш.

Мисрадаги бўлмок феъленинг такрорий, шунингдек, пайдо, пинхон сўзларининг ишлатилиши ҳам далил бўлса, истора (ситора)-юлдуз, офтоб-куёш сўзларининг таржимаси эканлигига яна бир асосдир. Яна шуниси ҳам борки, Навоий ўсмирлик чогида Хофиз Хоразмий газали кўшик килиб куйланаётган бўлиши эҳтимолдан узок эмас... Энди куйидаги байтларга эътибор беринг:

Хофиз Хоразмий:
Ошикки, ёрсиздур, валлохки, жоии йўкдур,
Тугий эрур ва лекин шаккаристони йўкдур.

Алишер Навоий:
Ёрдин айру кўнгил мулкедурур султони йўк,
Мулкким султони йўк, жисмедурким жони йўк.

Хофиз Хоразмий:
Панду насихат этма манга, зохида, бу тун,
Ёрим керакдур менга, не керакдур афсоналар.

Алишер Навоий:
Зохида, сенга хур, менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.

Хофиз Хоразмий:
Хофиз давоми давлатингга дол зулфидур,
Айни саодат эрур, агар чикса харфи дол.

Алишер Ианоий:
Бу гулшан ичраки йўктур бако гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яихшилиқ била чикса от

Навоийнинг кейинги байти муаммо жанрида ёзилган бўлиб, “саодат” сўзидан “от” олинса, “саъд” - “бахт” колади, деган маънони ифодалайди. Аммо биз Хофиз Хоразмий: “...Айни саодат эрур агар чикса харф дол”, - деганда кайси долни ва нимани назарда тутганини аниқлай олмадик.

Хулоса килиб айтганда, гарчи Алишер Навоий ўзининг якин замондоши Хофиз Хоразмийни “Мажолис уи-нафоис”да ҳам, бошка ўринларда ҳам тилга олмаган бўлса-да, унинг ижодидан кўшик, ашула ёки бошқалар воситасида хабардор бўлган дейишимиз мумкин.

Биз бу кичик маколамизда Хофиз Хоразмий ва Алишер Навоий муносабатларига атрофлича тўхталмадик. Зеро, бу икки шоирнинг муштарак томонлари анчагина, хусусан, тасаввуф билан боглик фикрларини ифодалашда ҳам ўхшашликларни кўраимиз. Янги манбалар, кейинги тадқиқотлар бу масалага ойдинлик киритса ажаб эмас.

МЎМИНЖОН СУЛАЙМОНОВ

